



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 60 (9.404) 2000 йил 22 май, душанба

Сотувда эркин нархда

Владимир ПУТИН:

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАҲДИД – РОССИЯГА ТАҲДИД

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан 18-19 май кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди

Ташриф дастуридан жой олган асосий тадбирлар Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Биринчи кун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ва Владимир Путин ўзаро ахкам-якка суҳбатда шу куннинг долзарб масалалари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари борасида фикр алмашди. Бу учрашув мўлжалланганидан анча узоқ давом этгани, унда муҳокама қилинган масалалар жуда муҳим бўлганлигидан дарак беради.

Бугунги кунда диний экстремизм, халқаро террорчилик ва минтақавий хавфсизлик масалалари нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда жуда долзарб бўлиб турган. Шу боис, музокараларда бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Президентлар давлатлар оқошталтиришга хавф солувчи ҳар қандай хавф-хатарга қарши ҳамжиҳатликда курашишни муҳимлигини қайд этдилар. Бугунги кунда дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига тўқнаш қилаётган бундай хавфни енгиш учун биргаликда, қўлларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда кураш олиб боришга, эртага у барча учун ашаддий таҳдидга айланиши турган гап. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун ҳозирдан қатъий чора-тадбирлар қўриш келажакдаги фаровон ҳаёт кафолати бўлади.

19 май кунги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бу соҳалардаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам бирдек муҳимлиги яна бир бор эътироф этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Россиянинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланиши ҳамми тўққиз фоиз ўсди. Ҳисоб-китобларга қўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланишининг йиллик ҳажми 1,15 миллиард АҚШ доллари атрофидадир. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, собиқ иттифок республикалари орасида фақат Ўзбекистонгина Россиядан қарздор эмас.

Бугун Ўзбекистон, дейлик, самолётсозлик соҳасида Россия билан шериклик қилишдан манфаатдор бўлса, ўз навбатида, Россия тўқимачилик sanoatининг ривож ўзбек пахтасига боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россияга етказиб берилиши ҳам муҳим савдо-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Музокаралар жараёнида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни юксалтиришга хизмат қилаётган, аммо турли сабабларга қўра ишга солинмаган улкан имкониятлар, захиралар мавжуд. Музокараларда мана шу омиллардан унумли фойдаланишни тезроқ йўлга қўйиш, бунинг учун қўш-қўйратини бirlaштириш зарурлиги таъкидланди. Икки давлат расмий делегацияларининг

кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ниҳоятга етган, ҳужжатларро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тўзимлари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Музокаралар якунланган, Ислам Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Владимир Путин расман президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чўқур рамзий маънога эга эканлигига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чоғидаги музокаралар самарали бўлгани ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидлади.

— Биз ҳар қанчалик учрашувимизда ўзаро ҳамкорликнинг ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия миллий манфаатларига мод келувчи янги шакл ва усулларини топишга муваффақ бўламиз, — деди жумладан Ислам Каримов. — Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги қўш томонлама шериклик бугунги кунда ўзаро ишонч, тенглик ва бир-биримизга ҳурмат асосида қўрилмоқда.

Владимир Путин президентлик лавозимини расман эгаллаган, илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлагани тасодифий эмаслигини айтди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда, — деди Россия раҳбари. — Мамлакатларимизнинг бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ортаётди. Бу эса, ўз навбатида, муносабатлар ривожининг ҳаддаллашишга туртки бўлади.

Ислам Каримов музокараларда минтақавий хавфсизлик масаласи кенг муҳокама этилганини маълум қилди.

— Диний экстремизм, халқаро террорчилик, шунингдек, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги барқарорликка бўлиб таъсир қилишига қўш қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар анча фаоллашгани рост. Экстремистик қўллар бу ҳудудда «бекдорлик ўчоғи» яратишга уринаётди. Минтақада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг муҳим шериги ҳисобланади. Бинобарин, бу ердаги бекдорлик Россия манфаатларига ҳам путур етказди. Шунинг учун Владимир Путин Ўзбекистонга солиingan таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдид бўлади, деб алоҳида таъкидлади. Шу тўғрисида Россия раҳбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга ҳар томонлама қўмақ беришга доим тайёр эканлигини маълум қилди.

Сўнгги вақтларда Ислам Каримов ва Владимир Путин ўртасида шахсий дўстона ақиллик ва ишонч пайдо бўлгани ҳақида қўш гапирилмоқда. Журналистлар билан учрашувда президентларнинг ўзлари ҳам бу жиҳатни алоҳида таъкидлади. Улар бу дўстона ақиллик давлатларро муносабатларининг янада юқори босқичга кўтарилиши ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустақамланишига муҳим омил бўлишини қайд этди.



Владимир Путин Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юртайтган сиёсатига юқори баҳо берди ва бу жараён республикамиз иттифоқчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар анча фаоллашгани рост. Экстремистик қўллар бу ҳудудда «бекдорлик ўчоғи» яратишга уринаётди. Минтақада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг муҳим шериги ҳисобланади. Бинобарин, бу ердаги бекдорлик Россия манфаатларига ҳам путур етказди. Шунинг учун Владимир Путин Ўзбекистонга солиingan таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдид бўлади, деб алоҳида таъкидлади. Шу тўғрисида Россия раҳбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга ҳар томонлама қўмақ беришга доим тайёр эканлигини маълум қилди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоятга етган, президентлар Тошкент ислом уни-

верситетига ташриф буюрди. В. Путин университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Шу билан Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоятга етди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қўзатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

— Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди, — деди Ислам Каримов. — Маълумки, ўтган йилнинг декабри ойида В. Путин мамлакатимизга Россия ҳукумати раиси сифатида ташриф буюрган эди. Шундан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари катта икки йўзга ўзгаришлар юз берди. Бу сафар у юртимизга Россиянинг президентини сифатида келди. Мазкур икки ташриф сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, турли масалаларга қарашларимизни уйғунлаштириш, хавфсизлик йўлида алоқаларимизни мустақамлаш борасида жуда муҳим омил бўлди.

Анвар КАРИМОВ,
Алишер ҲАСАНОВ,
Ўза мухбирлари.

СУРАТДА: учрашува пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**Мирзо Улўбек но:идаги Ўзбекистон
Миллий университети профессор-
ўқитувчилари таркиби фаолиятини ва
талабаларини раббатлантиришга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Давлат университетида «Ўзбекистон Миллий университети» макomini бериш тўғрисида» 2000 йил 28 январдаги ПФ-2532-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда мамлакатда таълим тизимини ривожлантиришда ва кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети профессорлари, ўқитувчилари фаолиятини ва талабаларини раббатлантириш тизимини тақомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2000 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Миллий университетининг ўқитувчилари, катта ўқитувчилари, доцентлари, профессорлари, факультетларнинг деканлари ва кафедра мудирига лавозим маошининг 15 фоизи миқдоридagi ойлик устама белгилансин, устама Давлат бюджетидagi маблағлари ҳисобига тўланади.

2. Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларини моддий раббатлантириш жамғармаси тўзилсин.

Қуйдагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

— университетнинг талабалар ва аспирантларни пулли-контракт асосида ўқитишдан оладиган даромадлари;

— Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар, вазирларнинг хайрия маблағлари ва бошқа но-тижорат манбалари;

— университет бўлинмалари ва таълим фаолияти ихтисоси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар;

— амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий университети-нинг Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларини моддий раббатлантириш жамғармаси маблағлари қуйдаги мақсадларга сарфланади:

— тегишли равишда ўқишда ва ўқитувчилик фаолиятидаги муваффақиятлари учун талабалар ва ўқитувчиларни қўшимча равишда моддий раббатлантириш;

— эҳтиёжманд талабалар ва ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— ётоқхоналарда яшайтган талабалар ва аспирантларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш;

— эҳтиёжманд ўқитувчилар ва профессорларни уй-жой билан таъминлаш;

— университет жамоасида ўтказиладиган маърифий, маънавий ва маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш;

— ўқитувчилар ва талабаларни спорт жиҳатдан ривожлантириш ҳамда соғломлаштиришга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш;

— университетнинг кутубхона фондиди янгилаш ва кенгайтириш;

— университет ўқув бўлинмаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Миллий университети, манфатдор-корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва корхоналар, тижорат банклари иштирокида Ўзбекистон Миллий университетининг Вазирлигига кенгашини бир ой муддатда ташкил этсин, қуйдагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларини моддий раббатлантириш жамғармасини тўлдирish учун ҳомийлар, вазирларнинг маблағларини, грантлар ва бошқа манбаларни жалб қилиш;

— ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда Жамғарма маблағларига бўлган эҳтиёжни, унинг нисбатларини ва уларни тақсимлаш механизмининг белгиллаш;

— Жамғарма маблағларидан мақсадли ва аниқ фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети:

— Ўзбекистон Миллий университетининг Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларини моддий раббатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низоми; Ўзбекистон Миллий университетининг Вазирлигига кенгаши тўғрисидаги низоми икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. С. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2000 йил 19 май.

ДАВР САДОСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНТИ ХАБАРЛАР**

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида» қарор қилди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташки ишлар вазирининг ўринбосари Махдий Фатхулло Ўзбекистон ташки сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан учрашди.

• Республика Фарнах академиясининг Ўзбекистон Республикаси Фарнах академияси фаолиятини эркинлаштириш ва янада ислох қилиш масаласига бағишланган Умумий мажлиси бўлиб ўтди.

• Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС)нинг бош директори Комил Идрис раҳбарлигидаги делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу расмий ташрифдан қўзланган мақсад ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида учрашуво бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таклифига қўра Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе мамлакатимизга ташриф буюрди.

• Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг биринчи чорагида металл парчаларини тайёрлаш бўйича топишқир бажарилиши якунларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

• Тошкентдаги «Туркистон» саройида Халқаро музейлар кўнига бағишланган кеча ўтказилди.

• Навоийда тиббиёт ҳамшираларининг танлови бўлди.

• Пойтахтимиздаги Санъат саройида Европа киноси кўнлари очилди.

• Ўзбекистон Бадий академиясида Чехия Республикаси Лидиче шаҳрида болалар ижодиёти бўйича ўтказилган «Лидиче-99» халқаро танловининг ўзбекистонлик толиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Бугун гузал Наманганда Юртбошимиз ташаббуслари билан талаба-ёшлар ўртасида илк бор «Универсиада-2000» спорт мусобақалари бошланди. Унда Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртилардан борган талаба-ёшлар ҳам иштирок этишмоқда.

ЖАҲОНДА

• Бугун Козогистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Беларусга ташрифи бошланади. Бир вақтинчи ўзида Минскда боҳжона иттифоқига кирувчи МДХ мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади.

• Стокгольмда Исроил ва Фаластин музокараларининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтмоқда.

• Кеча Словакия Бош вазирини Миклош Дзуринда узининг Чехияга уч кунлик ташрифини халқаро Париж марофонида иштирок этиш билан бошлади. Финишда уни Чехия ҳукуматининг раиси Милош Земан қўтлади. Бугун улар собиқ Чехословакиянинг федерал мулкчини Чехия билан Словакия ўртасида бўлишни ниҳоятга етказиш ҳусусида музокаралар олиб боришади.

• Болгария парламенти аъзолари Иван Костов ҳукуматига ишонсизлик билдириш масаласи муҳокамасини кейинга қолдирди. Муҳолиф сул марказчилар ҳукуматини коррупциялашганликда айблаётган эди.

• Кўни кеча давлат тўнтариши содир этилган Фиджада вазият кескинлашиб бормоқда. Мамлакат Президенти давлат тўнтаришини содир этган гуруҳ етакчилари талабларига қўлоқ солмаганини яна таъкидлади. Бироқ исёнчилар бошлиғи Жорж Слейт ўзини Бош вазир этиб тайинлади ва янги вазирлар маҳкамасини қасамёд қилдириди.

• Душанбе шаҳрида ўз уйининг йўналида То-

жикистон Телерадиокомпаниясининг раиси Сайфулла Раҳимов ўлдирилди. Унга ўқ узган одам яширилди.

• Кеча Аргунсқда театр тўғрисидаги телевизион дастурлар биринчи халқаро фестивали очилди. Украина, Ўзбекистон, Москва ва Россиянинг қўллаб-қувватлашган телекомпаниялари ўз ишларини танловга қўйганлар.

• Шанба кўни Германияда Германия Социал Демократик Партияси ташкил тоналлигининг 125 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари бошланди. Тантанали йилгишда Германиянинг Федерал канцлери ва ушбу партиянинг ҳозирги раҳбари Герхард Шрёдер иштирок этди.

• Франция ўз валютасини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва халқаро евро валютасини қўш этишга киришди.

• Сьерра-Леонедаги исёнчилар шу ойнинг бошдан бери гаровда ушлаб турилган БМТнинг яна 54 ходимини қўйиб юбордилар.

• Франциянинг Алансон шаҳри яқинида сайёҳлар самолёти ҳалокатга учради. Оқибатда 4 киши ҳалок бўлди. Айни пайтда тегишли органлар ҳалокат сабабларини ўрганимоқда.

• Колумбия ҳарбий-денгиз қўллари ва махсус хизмат ходимлари ҳамкорликда амалга оширган тадбир натижасида 5 тонна гнѣханд модда қўлга олинди.

• Хориж матбуоти хабарларига қараганда, АҚШ Президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси Хиллари Клинтоннинг ўтган йилдаги даромадлари 416 минг долларга тенг бўлган. Даромадларнинг асосий қисмини уларнинг моашлари ташкил қилади.

• Парагвайнинг маорудликда қўшнлар қўмондонлиги бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан қўрилган исённинг бостирилганлигини эълон қилди.

• Бир неча кундан буюн давом этаётган ёнгарчилик Аргентина пойтахтида транспорт ҳаракати ҳалокат бермоқда. Йўлларда вужудга келган қўлмақлар ва ўпирилиб кетган дарактлар машиналар ҳаракатини тўхтатиб қўйган. Табиий офат натижасида унлаб одамлар жароҳатлангани ҳақида хабарлар бор.

• Кеча Канда 53-халқаро кинофестиваль якунланди. Даниялик Ларс фон Тригга кинофестивалнинг бош соврини топирилди.

ТАНИШИНГ: ОЛИМПИДАЧИЛАРИМИЗ СИДНЕЙ ГИЛАМЛАРИГА ИШОНАМАН



• **РУСЛАН БИКТАЕВ** — юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоасининг аъзоси.

Футбол

Ўзбекистон миллий чемпионатининг 13-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиз шаарафини ҳимоя қилаётган жамоаларимиз «Пактор» ва «Трактор» сафарда яна ўз рақибларига имкониятни бой беришди.

Қўқоннинг «Темирўлчи» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар бу сафар ҳам чиройли

69 килограммгача бўлган вазнда беллашди. 1974 йилда тутилган, Юнон-рум кураши билан етти ёшдан бошлаб шугулланади. Спортга кириб келиши ҳам гўёки табиий — эро Русланнинг амакиси Ф. Биктатов республикада танлиқ мураббий, сингиллари Луиза ва Лилия Биктатовалар юртимизнинг ёш, умидли теннисчилари.

Руслан Биктатов ўз фаолиятини Ян Качевский ва Виталий Ким каби мураббийлар етакчилигида кураш сирларини ўрганиши билан бошлаган. 1993 йилдан буюн Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси. Дастлабки катнашган ириқ мусобақаси, бу ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб, ушбу турнирда Руслан кучли ўнликдан жой олган. 1999 йили Осиё чемпионатининг кумуш совриндори бўлган. Ўзбекистон Республикасининг икки карра чемпиони. Шу йилнинг май ойида Сеулда ўтган Осиё чемпионатида азаллий орузси рубёга чиқиб, Сиднейдаги олимпиадада айланма олган.

— Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганимдан жуда хурсандман, — дейди Руслан Биктатов. — Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳар бир спортчида ҳаётида бир мартагина насиб қилиши мумкин. Шу сабабдан қайғитман аъло даражада, ўйлаётгани Сидней гиламлари менга муваффақият келтиради.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

МЕЗБОНЛАР ГАЛАБАСИ

ўйин намойиш қила олмадилар. Натижада 2:1 ҳисобида «Темирўлчи» ўйини галаба билан якунлади. Пахтакорчилардан ягона жавоб тўпини ҳар гагидек Игорь Шкварин дарвозага йўллади.

«Трактор» ҳам бухорлик футболчиларга Бухорода 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Турнинг қолган учрашувлари:

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ.

Шифобахш неъматлар ТУМОРЛИ ГИЁХ

Жағ-жағни ким билмайди дейсиз. У жаҳоннинг қарийб бутун қишлоқларида табиий ҳолда учрайди. У бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда, ташландик лахтак жойларда, йўл ёқалари, арик атрофларида, сайхон жойларда қўлаб учрайди.

Эслатадиган бўлсак, бу гиёхнинг бўйи бир қаричдан тортиб, жойига қараб ярим қулочча келиши мумкин. Аксарият поячаси битта, баъзан бир неча бўлади. Пояси тукчалар билан қопланган, илдизлидир бағрлари ястланама-розетка ҳосил қилади, улар наштадирсимон, тўмтоқ қиррали ёки пати-симон кесик бандли, поячадаги бағрлари майда бандсиз, кетма-кет жойлашган. Гуллариди майда, оқ бўлиб шингилга тўпланган, меваси туморсимон, қўзқоқча. Гиёх эрта баҳордан бошлаб ёз бўйи гуллаши мумкин.

Жағ-жағ (уни маҳаллий аҳоли баъзан очамбети дейишади) ўтидан айрим таомлар масаллиги сифатида фойдаланишдан ташқари, қадимдан дори-дармон сифатида фойдаланиб келинади. Жумладан, жағ-жағ халқ табобатида кенг қўламда ишлатиладиган гиёхлардан бири бўлиб, у меъда,

ўпка, бурундан қон кетганида дамба сифатида ичилади. Гиёхнинг ер устки қисми дамба сифатида ичилади, қайнаб турган бугини бод билан оғриган жойларга тутиш ижобий натижасини беради.

Тибет табобатида жағ-жағ кўнгил айнаши ва қушишга хотима берувчи дори сифатида тавсия этилади.

Польшада жағ-жағ қон тўхтатувчи омил ҳисобланса, Болгарияда у меъдадан, ўпкадан, бачадондан қон кетишида сигнал табиий восита ҳисобланади.

Халқ табобатининг билимдонларидан С.А.Томилининг берган маълумотларига қараганда, жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Шу тўғрисида бўлса керак, Урта Осиё халқлари айни навбахор палласида жағ-жағнинг мурғак бағрларидан чучвара, қўқомса ва бошқа таомлар тайёрлаб истеъмол қилишади. Бундай таомлар инсоннинг дармонбахш моддаларга қақраб турган аъзоларида жуда фойдали эканлигини ҳозирги замонга тиббети ҳам инobatга олган.

Жағ-жағ киши танасида модда алмасиш жараёнини яхшилайди, жароҳатларнинг би-тишини тезлаштиради, пешоб ҳайдайди, буйрак оғриқларига эм бўлади.

ЛИМОН ИСЛИ ГИЁХ

Лимон ўт жуда қадим замонлардан бери ошқўқ сифатида фойдаланиши билан бирга, халқ табобати амалиётида бир қатор хасталикларни даволовчи табиий сигналган омил бўлиб хизмат қилади.

Абу Али ибн Сино лимон ўтнинг юрак иши-ни яхшилаш, иштаха уйғутувчи восита сифатида тавсия этган. Шарқ халқлари табобатида лимон ўтдан асабни тинчлантирувчи, сийдик ҳайдовчи, камқонликда дармон бағишловчи неъмат сифатида фойдаланилади.

Лимон ўт бағрларидан тайёрланган дамба-ламанинг бедармонлида, овқатни ҳазмлаш мақсадида, асабни тинчлантирувчи даво, чангак ва тириштиргич ҳолима берувчи сийдик ва ел ҳайдовчи, оғриқдан фориғ этувчи, ички қабзиятдан холи қилувчи хусу-сиятлари мавжуд.

Халқ табобати билимдонларининг берган маълумотларига қараганда, лимон ўт воситасида тайёрланган дори-дармонлар (дам-лама, тиндирма, гиёх мойи) бош гангиши-га даво, фалаж ва никрига енгиллик бе-ради, ҳуш кетишида фикрлашни тиклайди, шайтонлаш ва қўнчиққа ижобий таъсир кўрсатади. Ўсимлик мойи юрак ҳалқиритиш-га, бод, беланги, юрак санчиғида фойда кел-тириб, ҳайзини маромлаштиради, тер ҳай-даш қобилиятига ҳам эга.

Болгар шифокорлари лимон ўтнинг яна ўзгача хосиятларидан фойдаланадилар. Жумладан, лимон ўт елланги билан боғ-лик бўлган қорин санчикларидан халос эта-ди, кўнгил айнаиб қайт қилишни тўхтатади. Уйқусизликка тиним бағишлаб, шаққатга (мигрень) даволик қилади. Шунингдек тери тошмаларига барҳам беришда асқотади. Та-

шки муолажа сифатида лимон ўт воситаси-да тайёрланадиган дамба милк касаллан-ганида — ўйилишида гаргара қилинади, чи-қор азиятига таскин берувчи бозиллатма (компресс) ёки боғламалар қилинади.

Бир қатор олимларнинг маълумотларига кўрсатилишича, лимон ўтдан тайёрланган

дори-дармон юрак оғриги билан озорлан-ган кишиларга ижобий таъсир кўрсатади, иччиларида хансираш йўқолади, юрак ури-ши меъёрга тушиб — тахикардия йўқолади, юрак қисқариши махсулдор бўлади. Шунин-гдек қон босими камайиши билан бирга нафас бир маромли тўс олади. Лимон ўтдан қуйидагича дамба тайёрланади: 20 грамм қуритилган лимон ўтдан олиб ўстига ярим чойнак (200 г) қайноқ сув солинади ва ях-шилаб ўраб қўйилади. Дамлама совуғач, ош қошиғида кунига 5-6 марта ичилади.

Лимон ўтнинг янги бағри ва новдалари ёки қуритилган турфа таомларга, шарбат, сутли озиқаларга қўшиб истеъмол қили-ни мумкин. Айни қўлам пайтларида қука-ли чучвара ҳамда комсалар таркибига ли-мон ўт сабзалари қуритилган бўлса, дар-мондориларга муҳтож бўлиб турган аъзо-ларимизга пором келиб, юқумли касаллик-лардан химояланишимизда алоҳида аҳа-ми касб этади.

Кези келганида лимон ўтнинг шифобахш тарафларини ифодаловчи таркиби билан та-ништирамиз. Гиёхнинг ер устки қисми тар-кибида салмоқли микдорда С белгили дар-мондори бўлиб, унинг микдори 150 мг фо-изни ташкил қилади, шунингдек унда эй-фор мойлари, танин, флавоноидлар, орга-ник ачилардан лимон, қарабо кислотала-ри, маъданли унсурлар, провитамин А ва бошқа фойдали моддалар жо бўлган.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Шахримиздаги ҳар бир ту-манда бўлгани каби Собир Ра-ҳимов туманида ҳам баҳорги чакчирик юмшолари қизгин аккулонди. Чакчирик ишлари туманлардаги борча маҳалла-лар билан ҳамкорликда амал-га оширилгани боис бўлгуси Ватан посбонлари она юрт химоясига сидқидилдан отлан-дилар. Туман мудофиа иш-лари бўлимида ўсирилор тажри-бали шифокорлар томонидан тиббий кўригидан ўтказилиб, ўз бурчларини ўташ учун ҳар-бий қисмларга жўнаб кетиш-ди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) кўз шифокори Иноят Зокирова ва терапевт Гулчехра Саъдиева-лар бўлгуси аскарнинг соғли-гини текширишда қатнаш-ди. Холмат Мирзакеримов олган суратлар.

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Шу йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида шахримизда 476 та ёнғин содир бўлди. Бу ёнғинлар оқибатида 14 киши ҳалок бўлиб, 20 киши ҳар хил даражадаги тан жароҳа-тини олган. Ёнғинлар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганилиги сабабли содир бўлган.

Миробод туманида эса 4 ой мобайнида 34 та ёнғин содир бўлган. Бу ёнғинлардан 248167 сўмга яқин моддий зарар қўрилган. 2 киши ҳалок бўлган. Белги-ланмаган жойларда сигарет чекиш, носоз электр анжомларидан фойдаланиш, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдириш ёнғин сабабларидир. Фикримиз-нинг далили сифатида қуйидагиларни мисол келтири-шимиз мумкин:

2000 йил 26 январь кун Миробод тумани Меҳржон қўчаси, 10-уйда яшовчи фу-қаро В. Г. Алексина хонадо-нида газ плитасидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ён-гин келиб чиққан. Ёнғин оқибатида 50 квадрат метр майдондаги том ёнимаси ва уй

уй жиҳозлари ёнган. Оқибат-да хонадон эгаси 80000 сўм моддий зарар қўрилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Биз ҳозирги вақтда туман газ ва газлаштириш идораси ходим-лари билан биргаликда шах-сий хонадонларни ёнғинга қарши текширганимизда кўпчилик хонадонларда газ баллонларидан нотўғри фой-даланилаётганлигига гувоҳ бўляпмиз.

Миробод туманининг мухо-фаза қилувчи 3-ХЕСБ муҳан-дис ва назоратчилари аҳоли-дан барча ёнғин хавфсизли-ги қоидаларига риоя қилиш-ларини сўрайди.

Аббас ИСМАТУЛЛАЕВ,
Миробод туманининг мухофа-за қилувчи 3-ҳўриёлашган ёнғиндан сақлаш бирикмаси назоратчиси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Мен кимман? Қандай одамман?

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ

Сиз ўзингизга: «Соғлом турмуш тарзига қанчалик амал қиламан?» дея савол берган-мисиз? Агар бу савол ҳаёлингизга келмаган бўлса — ўйлаб кўрсангиз зиён қилмайди. Саломатликка эътиборсизлик яхшиликка олиб бормайди.

Саломатлик шундай бойлики — уни пулга сотиб олиб бўлмайди ва у фақат ўзингизга боғлиқ. Қуйидаги саволлар сиз ўз саломатли-гингизни қай даражада қарлашингизни билиб олишга ёрдам беради. Таклиф этила-ётган ҳар уч жавобдан бирини танлаб бординг.

1. Баъзан оёқ-қўларингиз шундай увишиб қоладики, хатто уларнинг бор-йўғини сезмай қолишингиз мумкин.

а) баъзан шундай бўлиб туради;
б) бунақаси ҳолатни эсломмайман;
в) шундай ҳолат бўлади-ю жуда камдан-кам юз беради.

2. Кейинги пайтларда нимадир сизни тез-тез безовта қилиб турадими?

а) одатдагидан кўра тезроқ;
б) илгари ҳам шундай бўларди;
в) ҳеч қачон ҳеч нарса безовта қилмаган.

3. Кўзингизни тоқитириб қўймаслик учун кунига фақат 1 соатдан ортиқ телевизор кўрмайсизми?

а) йўқ, ҳозирча кўзимдан шикоятим йўқ;
б) йўқ, лекин илгарида ёмонроқ кўрилган;
в) телевизорни қанча кўришга ҳаракат қиламан.

4. Юрагингиз атрофида оғриқ сезган ҳолларингиз бўла-дими?

а) айниқса кейинги пайтларда;
б) бўлиб туради-ю тез-тез эмас;
в) бундай ҳолатни эсломмайман.

5. Сиз ёмон ҳулайсиз ва эрталаб уйқудан ҳамма ёғингиз қакшаб оғриб турасиз.

а) ҳудди шундай;
б) йўқ, жуда яхши ухлайман;
в) бунақаси ҳам бўлиб туради.

6. Ўзингизни қўягани жой тополмай қоладиган пайтла-рингиз бўладими?

а) ҳа, шундай бўлиб туради;
б) фақат бирон сабаб бўлганда шундай бўлади;
в) бундай ҳолатлар менда юз бермаган.

7. Сўнгги пайтларда мушкетер иштаҳингиз йўқолгандайми?

а) йўқ, ҳаммаша иштаҳам зўр;
б) афсуски, шундай;
в) наҳора, баъзан бўлиб туради.

8. Ўз саломатлигингиз ҳақида ўйлаб қолган пайтларин-гиз бўладими?

а) баъзан;
б) фақат нимадир безовта қилган пайтлари;
в) тез-тез шундай бўлиб туради.

9. Сиз ҳаммаша бирор юқумли хасталикни юқтириб олиш-дан хавфсираб юрасизми?

а) йўқ, бу мени зарарча ташвишлантирмайди;
б) фақат аник хавф-хатар туғилганда;
в) ҳа, мен бундан қўрқаман.

10. Бош оғриғи сизни тез-тез безовта қилиб турадими?

а) камдан-кам лекин бўлиб туради;
б) умуман бошим оғримайди;
в) сурункасига безовта қилиб туради.

Тестни аниқлаш қалити

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

а) 3 3 1 3 3 3 1 1 1 1

б) 1 2 3 2 1 2 3 2 1

в) 2 1 2 1 2 1 2 3 3

Юқоридаги қалитдан фойдаланиб, балларингизни ҳисоблаб чиқинг.

10-16 балл. Сиз ўз саломатлигингизга кўпроқ эътибор беришингиз керак. Саломатлигингизга эътиборсизлигингиз ўзингизга жуда қимматга тушиб қолган. Тўлақонли ҳаёт тарзини таъминлаш учун озгина бўлса ҳам танангизга қўлоқ тутишингиз ва ҳаммаша ўзингизни бардам ҳис этишингизга ҳаракат қилишингиз керак.

17-24 балл. Жиддий қараганда, ўз саломатлигингизга оқилона муносабатда бўлар экансиз. Бироқ, кўпроқ вақтин-гизни очик ҳавода ҳамда спорт залида ўтказишингиз маъ-қул. Бутун бўш вақтингизни шифокор қабулида ўтказишин-гизнинг ҳолати йўқ, лекин унинг маслаҳатларини нарига суриб қўйиш ҳам керак эмас.

25-30 балл. Сизнинг ўз саломатлигингизга жуда қай-ғурингизга шак-шубҳа йўқ. Бироқ, шифокорлар ҳаммаша ҳам сизга ёрдам бера олишавермайди. Гап сизнинг саломатли-гингиз заифлигидан эмас, балки асабларингиз таранглигидан. Бошқалар ўзларини қандай тутатганларини кузатиб, тахлил этиб кўрсангиз, анча хотиржам бўлишингиз мумкин. Бугунги кунда сиз учун зарур бўлган энг муҳим нарса — бу тинчлик ва хотиржамликдир.

Бу — қизиқ —

КИМ ҒЎЗАА?

◆ Қадимги перуликлар қизлари чиройли бўлиши учун оппоқ тишларини қора-га бўяшган, ёшлик чоглари-да уларнинг икки қўзи ўрта-га маржонни илга қадаб ти-киб қўйишар экан, натижада уларда гилайлик ривожлан-ган. Бу гилайлик улар учун Ғўзаллик мезони ҳисоблан-ган.

◆ Қадимги мисрликлар эса бош чаноғининг чўзинчоқли-гиде Ғўзаллиқни кўра билиш-ган. Бунга эришиш учун қат-тиқ жисм билан тангиб ўраб қўйишган. Африқоннинг Баъ-зи қабилаларида аёлларнинг Ғўзал бўлиши учун бўйинла-рига узун спиралсимон ҳал-қалар кийдиришган, қизча-ларини ҳам ана шундай тақин-чоқлар билан безаб, йилдан-йилга унинг қаторини кўпай-тириб боришган.

◆ Хитойликлар оёқлари кичик аёлларни афзал қўри-шади. Шунинг учун улар қиз-чаларига оёқларини қисиб ту-радиган кичкина шиппақлар

кийишга мажбур қилишган.

◆ Малайзияда эса қизлар-ни турмушга чиқаришдан икки-уч ой аввал қўш нури тушмайдиган қоп-қоронғу на-нага қамаб қўйиб, фақат овқ-ат едириш билан овора бўлишади. Чунки уларда оп-поқ, семиз аёллар Ғўзал ҳисобланади.

◆ Холливудда оёқлари узун, бўйи баланд, келишган, қотмадан келган, оқ соч, мо-вий ранг қўзи аёллар Ғўзал ҳисобланади.

◆ Баъзи халқларда эса қўлоқ солинчаги узун бўли-ши ўзига хос чиройдан дара-рак берган. Шунинг учун ҳам аёллар оғир зирақларни тақ-қиб қўлоқларини бир неча см.гача чўзишади.

Бизнинг халқда эса Лай-лю Ширинчи, Қумуш ва Раъ-нони ослият турадиган шаҳ-ло қўзли, қора сочли, қамон қошли, қизил юзли, ибולי, одобли қизлар Ғўзал ҳисоб-ланади.

Дилдора СОДИҚОВА.



Ҳамкасбаримиз

ЮРАҚДА ИЛҲОМ БИЛАН

Маълумки, биз ахборот асрида яшамокдамыз. Бўлаётган ҳар қандай янгиликдан вақтида бохабар бўлишга ошиқамиз. Ана шундай янгиликларни эса оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган журналистлар оммага етказишади. Бугун биз ўз қасбини севган ва унга ихлос қўйган уч ҳамкасбимиз, тўғрироғи уч радио-журналист ҳақидаги дил сўзларимизни айтишга жазм этдик.

Маълумки, радионинг ово-зи бормаган бирорта жой йўқ бўлса керак. Шаҳарда дей-сизми, мамлакатимизнинг узоқ бир қишлоғида дейсиз-ми доим радио жаранглаб ту-ради. Ундан эса дунёда, мам-лакатимизда, вилоятларимиз-да, шаҳар ва қишлоқларимиз-да бўлаётган энг сўнгги ян-гиликларни эшитамиз, кўнгилга ором бағишловчи қўшиқларни эшитиб, дилла-римиз яйради.

Ўзбекистон Телерадио-компаниясининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига эшиттиришлар берадиган «Тошкент» бош муҳарририя-тида 35 ижодкор меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири-нинг ўз иқтидорини, ишга ўзга-ча ёндашиш каби хислатла-ри бор. Бош муҳарририя-нинг катта муҳаррирлари Асад Фозилов ва Шоирхўжа Сид-диқўжаевлар ҳам ўз қасбига фидойи бўлган радио-журна-листлардир.

— Бош муҳарририятимиз-га Асад Фозилов ва Шоирхў-жа Сиддиқўжаевлар тайёр-лаган эшиттиришлардан мам-нун бўлиб хат йўллайдиган ва телефон орқали миннат-дорчилик сўзларини изхор этадиган радио тингловчилар-имиз анчагина, — дейди та-ниқли радио-журналист, «Тошкент» бош муҳарририя-тининг бош муҳаррири Абду-ҳаким Даминов. — Айтайлик, тезлик билан бирор жойдан репортаж бериш керак бўлиб қолди. Дарров Асад Фозилов ёки Шоирхўжа акага топши-риқ берамиз. Улар зудлик билан айтилган жойга бори-шиб, ўша ернинг бевосита ўзидан репортажни эфирга узатишади. Бўлган воқеадан радиотингловчилар ўша зум-нинг ўзидаёқ хабардор бўли-шади. Бундай эшиттиришни тайёрлаш айтишга осон. Бу-нинг учун журналистик маҳор-рат, ўз қасбига садоқат бўлиш керак кишида. Асад Фозилов билан Шоирхўжа Сиддиқўжаевлар ҳамма-ми-з ўз ишига ихлос қўйган катарини ва ҳокисор аъзола-ридир.

Дарҳақиқат, жуда тўғри фикр билдирилди. Биноба-рин, Асад Фозилов билан Шоирхўжа Сиддиқўжаевнинг

ижоддаги умр саҳифаларини варақласангиз уларнинг жур-налистика соҳасида интилиб, изланиб, жамоадолларининг ҳурмат-эҳтиромини қозониб келатганлигининг гувоҳи бўласиз. Ўзининг иш фаоли-ятини босмаҳонада оддий да-да, шахар ва қишлоқларимиз-да бўлаётган энг сўнгги ян-гиликларни эшитамиз, кўнгилга ором бағишловчи қўшиқларни эшитиб, дилла-римиз яйради.

Ўзбекистон Телерадио-компаниясининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига эшиттиришлар берадиган «Тошкент» бош муҳарририя-тида 35 ижодкор меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири-нинг ўз иқтидорини, ишга ўзга-ча ёндашиш каби хислатла-ри бор. Бош муҳарририя-нинг катта муҳаррирлари Асад Фозилов ва Шоирхўжа Сид-диқўжаевлар ҳам ўз қасбига фидойи бўлган радио-журна-листлардир.

— Бош муҳарририятимиз-га Асад Фозилов ва Шоирхў-жа Сиддиқўжаевлар тайёр-лаган эшиттиришлардан мам-нун бўлиб хат йўллайдиган ва телефон орқали миннат-дорчилик сўзларини изхор этадиган радио тингловчилар-имиз анчагина, — дейди та-ниқли радио-журналист, «Тошкент» бош муҳарририя-тининг бош муҳаррири Абду-ҳаким Даминов. — Айтайлик, тезлик билан бирор жойдан репортаж бериш керак бўлиб қолди. Дарров Асад Фозилов ёки Шоирхўжа акага топши-риқ берамиз. Улар зудлик билан айтилган жойга бори-шиб, ўша ернинг бевосита ўзидан репортажни эфирга узатишади. Бўлган воқеадан радиотингловчилар ўша зум-нинг ўзидаёқ хабардор бўли-шади. Бундай эшиттиришни тайёрлаш айтишга осон. Бу-нинг учун журналистик маҳор-рат, ўз қасбига садоқат бўлиш керак кишида. Асад Фозилов билан Шоирхўжа Сиддиқўжаевлар ҳамма-ми-з ўз ишига ихлос қўйган катарини ва ҳокисор аъзола-ридир.

Дарҳақиқат, жуда тўғри фикр билдирилди. Биноба-рин, Асад Фозилов билан Шоирхўжа Сиддиқўжаевнинг

Собир Раҳимов туманида-ги 165-мактабда «Яшил чи-роқ—2000» кўрик-танлови му-сосақаларининг туман босқ-ичи бўлиб ўтди. Унда туман мактабларининг 7-8-синф ўқувчилари назарий жиҳат-дан йўл ҳаракати қоидала-рини билиш, болаюр авто-майдончасида ҳаракатланиш шакллари бажариш каби олти шарт бўйича ўз би-лим-қўникмаларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъати-нинг ҳисоб-китобларидан сўнг биринчи ўрин 249 ва 242-мактаб ўқувчиларига насиб этди.

СУРАТДА: ёш йўл ҳаракат-и қоидаи билимдонлари ўз билимларини намойиш этиш-моқда.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Акмал ИКРОМОВ тумани меҳнат органи тумандаги айрим корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида қуйидагича маълумот беради:

1. «ТАРХ» АИИБ	Шайхозода кўчаси, 26-даҳа. Т. 72-02-74
— автокоран ҳайдовчиси	— 12632
— сувоқчи	— 19270
— таъмирловчи-чилангар	— 16037
2. «Тошкентсу» АЖ	Чилонзор, 26-даҳа. Т. 72-16-14.
— машинист	— 18000
— дурадгор	— 18000
3. 4-ий-йигирув фабрикаси	Фарход кўчаси, 31*. Т. 74-87-79, 74-81-09
— йигирувчи	— 18000
— токар	— 15000
— чилангар-сантехник	— 11000
4. «Махсустрас» АТП	Саноат зонаси. Т. 47-95-23
— ҳайдовчи	— 13000
— юк ортувчи	— 10000
5. «2-механизация бош-си»	Уйғур кўчаси 562*. Т. 43-46-89
— уста	— 15000
— электргазпайвандчи	— 15000 + мукофот.
— чилангар-тикловчи	— 15000 + мукофот.

Қўшимча маълумот олишни истасангиз Акмал Икромов тумани меҳнат органига мурожаат этинг. Манзил — Чилонзор, 22-даҳа, 7-уй. Тел.: 74-44-57; 74-60-95.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларини, шунингдек таъинларни, танлаб олувчиларни, тўлавор, нобиллар муносабати билан қўтовларини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълон